

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Уйчи туман ҳокими”
1-ўринбосари

Д.Нурматов

«08» 08 2022 й

Уйчи туман ҳокимлиги биносининг ички хоналари, кириш чиқиш заллар ва меҳмонхона биносини ички ва ташқи хоналарини ҳамда том қисимларини жорий таъмирлаш учун қурилиш материаллари сотиб олиш учун энг яхши талабгор таклифни танлаб олиш бўйича

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ


№	Асосий маълумотлар	Бажарувчи
1	Объект номи	Уйчи туманидаги ҳокимият биносини жорий таъмирлаш учун маҳаллий маҳсулотлардан қайта ишлаб чиқариб арзон ва сифатли қурилиш материалларини етказиб берувчиларни энг яхши таклифларини танлаб олиш.
2	Буюртмачи	Уйчи туман ҳокимлиги
3	Буюртма учун асос	Туман ҳокимлиги биносини жорий таъмир талабдалиги
4	Жойлашган манзили	Уйчи тумани А.Темур кучаси 62-уй
5	Қатнашувчи учун талаблар	1. Обой 40 м2 8000 сўмдан 320 000 сўм.
6	Бажарилган ишлар ҳисоб-китоби	Етказиб берувчи томонидан етказиб берилган товар моддий қийматликлар ҳисоб варақаларга асосан икки томон ўртасида ўзаро тасдиқлангандан сўнг корхона нархларидан ошмаган ҳолда ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Шунингдек буюртмачи томонидан етказиб берилган товар моддий қийматлик учун ҚҚС билан қўшиб ҳисобланади. Шартномага асосан 320 000 (Уч юз йигирма минг) сўмлик қурилиш моллари сотиб олиш режалаштирилган.
7	Иш тури	Буюртма асосида қурилиш моллари сотиб олиш.
8	Қурилиш молларини етказиб бериш муддати	2022 йил 20 августгача

9	Молиялаштириш манбаи	Уйчи туман хоқимлиги
---	----------------------	----------------------

Туман хоқимлигининг бош ҳисобчиси



А.Эшанов



Уйчи туман хоқимлиги раиси томонидан берилган қарорнинг асослари ва шартлари ҳақида маълумот бериш мақсади билан қарор қабул қилинган. Қарорнинг асослари ва шартлари ҳақида маълумот бериш мақсади билан қарор қабул қилинган.

ТЕХНИК ТОВШИРМА

№	Асосий маълумотлар	Тавсия
1	Объектнинг номи	Уйчи туман хоқимлиги раиси томонидан берилган қарорнинг асослари ва шартлари ҳақида маълумот бериш мақсади билан қарор қабул қилинган.
2	Бюджетнинг саноати	Уйчи туман хоқимлиги
3	Бюджетнинг ўлчи вақти	Туман хоқимлиги раиси томонидан берилган қарорнинг асослари ва шартлари ҳақида маълумот бериш мақсади билан қарор қабул қилинган.
4	Жабжаланиш мазмунини	Уйчи туман хоқимлиги раиси томонидан берилган қарорнинг асослари ва шартлари ҳақида маълумот бериш мақсади билан қарор қабул қилинган.
5	Қарорнинг ўлчи вақти	1. 05.01.2022 йилдан 30.09.2022 йилгача
6	Бюджетнинг мазмунини	Бюджетнинг мазмунини ташкил қилувчи ҳисоб-китобнинг асослари ва шартлари ҳақида маълумот бериш мақсади билан қарор қабул қилинган.
7	Ҳисоб китоби	Бюджетнинг асослари ва шартлари ҳақида маълумот бериш мақсади билан қарор қабул қилинган.
8	Қарорнинг мазмунини ташкил қилувчи ҳисоб-китобнинг асослари ва шартлари ҳақида маълумот бериш мақсади билан қарор қабул қилинган.	2022 йил 30 сентябр

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
“Уйчи туман ҳоқими”
1-ўринбосари



Д.Нурматов

«08» 08 2022 й

БУЮРТМАЧИ:

«Уйчи туман» Ҳокимияти

Уйчи туман ҳокимлиги биносининг ички хоналари, кириш чиқиш заллар ва меҳмонхона биносини ички ва ташқи хоналарини ҳамда том қисимларини жорий таъмирлаш ва қурилиш материаллари сотиб олиш учун энг яхши талабгор таклифини танлаб олиш.

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Уйчи тумани-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги № 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда № 3016-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди.

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1. Уйчи туман ҳокимлиги биносини жорий таъмирлаш захира жамғармаси маблағлари ҳисобидан қурилиш материаллари сотиб олишга жамғарма маблағлари ҳисобидан олинган қурилиш материалларини ҳокимият ўз кучи билан жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш ва қурилиш материалларини сифатли етказиб берувчини танлаб олиб энг яхши таклифларни жалб қилинади.

1.2. Танловнинг охирги қиймати – **320 000** сўм.

Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3. Жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун олинadиган қурилиш материаллари билан таъминловчи ўртасида тузилган шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) кун.

1.4. Материаллари етказиб бериш муддати–буюртма берилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Уйчи туман” **Ҳокимлиги** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Почта манзили 160100, Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти, Уйчи тумани, А.Темур кўчаси, 62-уй

Эл.адрес:uychituman@uzex.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов УЗРТХАБ etender.uzex.uz платформасида “Буюртмачи” томонидан тузилган танлов комиссияси орқали қонунда белгиланган тартибда ва белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда таъминотчи ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қўйилади:

-танлов предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк қафолатномаси, ўзимизни маҳаллий маҳсулотлардан қурилиш материаллари ишлаб чиқариб сотиш, ишлаб чиқариш бўйича мутахассисларни борлиги ҳамда қурилиш материаллари сотиш учун дукони мавжудлиги;

-шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

-танлов объектига ўхшаш объектлар билан ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;

-Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириш зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

-қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предметининг лойиҳа ҳужжатлари, ҳусусан, лойиҳани график қисми (чизмалари) билан танишиб чиқиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига) тақдим этилиши ҳақида мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

4. Танловда иштирок этиш учун таклифларни тақдим этиш.

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштрилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюритмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

* Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

* Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

* Техник таклиф, Фирменний бланкада имзоланган, номерланган ва мухирланган ҳолда;

4.5. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

-тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

-таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5. Томонларнинг жавобгарлиги

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

6. Бошқа шартлар

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътибор камида ўн кунга ўзайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтриш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб бориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

6.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кучирма у имзоланган кундан эътиборан махсус ахборот порталида эълон қилинади.

6.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тугрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

6.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

6.6. Корхонанинг охириги уч йиллик молиявий аҳволи.

6.7. Объектнинг буюртмачи томонидан белгиланган бошланғич нархининг 20% дан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағларни мавжудлиги.


6.8. Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси.

6.9. Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлар рўйхати.

Танловга тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати

1. Ушбу танлов ҳужжатларига кафолат хати;
2. Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот;
3. Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома ҳужжатлар нусхалари;
4. Молиявий кўрсаткичлари;
5. “Инсофсиз ижрочилар” ягона реестрида эмаслиги;
6. Иш хаки, солиқ ва бошқа давлат мажбурий тўловларидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги.

Туман ҳокимлигининг
бош ҳисобчиси



А.Эшанов

Таклифларни техник ва нархлар бўйича баҳолаш.

Ҳарид комиссияси томонидан берилган эълон юзасидан кўрсатилган муддатда иштирокчилардан электроний шаклда келиб тушган таклифлар дастлаб техник жihatдан баҳоланади. Комиссия томонидан электроний шаклда келган таклифлар, техник баҳолаш ўтказилгандан сўнг қуйидагиларга асосан нархлар бўйича баҳоланади.

Танлов таклифларини ҳамда иштирокчиларни малакавий баҳолаш критерийлари

№	Критерийлар номи, мазмуни	Форма	Энг юқори балл	% хисобида
1.	Ушбу танлов хужжатларига кафолат хати		10	80%
2.	Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот		10	
3.	Давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома хужжатлар нусхалари		10	
4.	Молиявий кўрсаткичлари		20	
5.	“Инсофсиз ижрочилар” ягона реестрида эмаслиги		10	
6.	Иш хаки, солиқ ва бошқа давлат мажбурий тўловларидан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд эмаслиги		20	

Туман хокимлигининг
бош хисобчиси



А.Эшанов